* Ўзбек йигитини хорижда олқишлашди
* "Чимилдиқ"да: Равшан Солиҳов ёшлигини қўмсади
* Юраги хаста келинчагу куёвларга тавсия
* Америкаликлар ойга қўнгани ростмиди?

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 9 февраль Чоршанба.
№ 12. (14294)

Самимий миннатдорлик

Юксак лавозим - Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланганим ва туғилган куним муносабати билан менинг номимга хорижий давлат бошлиқлари, таниқли сиёсат, маданият ва жамоат арбоблари, нуфузли халқаро ташкилотлар, фирма ва компанияларнинг раҳбарлари, юртимиздаги меҳнат жамоалари, кўплаб ватандошларимиздан табриклар келмоқда.

Мен бу қутловларни, авваламбор ҳуқуқий давлат, эркин ва адолатли жамият, фаровон ҳаёт қуриш йўлидан собитқадамлик билан бораётган Ўзбекистон халқига, азиз юртдошларимга хайрихоҳлик, ҳурмат-эҳтиром ва ишонч рамзи сифатида қабул қиламан. Чин дилдан билдирилган самимий тилаклар учун узоқ-яқиндаги барча дўст ва бирадарларимизга, қадрли ватандошларимизга чуқур миннатдорлик изҳор этаман.

Ислом КАРИМОВ

НАМАНГАН УНИВЕРСИАДАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Наманган вилоятида энг яхши спорт иншоотларини таъмирлаш ва уларни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари авж олди. Бу ерда май ойининг охири ва июн ойининг бошида анъанавий Универсиада - 2000 мусобақасининг якуний босқичи ўтказилиши режалаштирилган. Ўзбекистон олий ўқув юртларининг талабалари ва аспирантлари иштирок этадиган мазкур мусобақа ҳар йили ўтказилади. Бу галги олимпиадада уч мингдан зиёд спортчи иштирок этади.

Мусобақалар спортнинг 13 та энг оммавий тури - футбол, волейбол, баскетбол, бокс, сузиш, катта теннис ва стол тенниси, енгил атлетика, гандбол, шахмат, эркин ва грек-юнон кураши, кураш бўйича ўтказилади. "Универсиада" доирасидаги мусобақалар ёшлар ўртасида спортнинг бу турларини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун энг кучли спортчиларни танлашга йўналтирилган.

Универсиада уч босқичдан иборат: алоҳида олий ўқув юртлари факультетлари ўртасида, сўнгра вилоят олий ўқув юртлари ўртасида ва учинчи босқичда - иккинчи босқич ғолиблари ўртасида ўтказилади.

— Универсиада - 2000 мусобақаси иштирокчиларининг кўпчилиги - Наманган Давлат университети вакилларидир,- дейди ифтихор билан шу олий ўқув юртининг ректори, Олий Мажлис депутати Турсунбой Файзуллаев. - Иккинчи босқичда бизнинг талабаларимиз спортнинг 10 тури бўйича ғолиб, деб топилди. Спорт билан шуғулланиш учун яхши базамиз бор, қизларнинг футбол жамоаси ҳам ташкил этилган. Жисмоний тарбия факультети талабалари жамоамизнинг асосини ташкил этади. Бироқ, улар орасида бўлажак математиклар, филологлар, биологлар, ҳуқуқшуносла ҳам бор.

Спорт иншоотларини таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларида корхона ва ташкилотлар ёрдам бермоқда. Ишларни мувофиқлаштириш учун иштирокчиларни жойлаштириш, уларга маиший ва тиббий хизмат кўрсатиш, маданий тадбирлар уюштириш билан шуғулланадиган ташкилий қўмита тузилди. МДҲ давлатлари олий ўқув юртларидан ҳам спортчилар ташриф буюриши кутилмоқда. Қисқача айтганда, улкан спорт байрамига тайёргарлик ишлари жадал бормоқда. Универсиаданинг бўлажак иштирокчилари нафақат Наманганнинг гўзал қиёфаси билан, балки спортдаги ютуқлари ва анъаналари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Н.ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири

9 февраль Алишер Навоий таваллуд топган кун



ЗИЁ МАСКАНИ

"Шарқ марвариди" деб ном олган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат кутубхонасининг фаолиятига бугун 130 йил тўлади. Мана шу вақт давомида кутубхона жамоаси улкан ва хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бу ерда сақланаётган ўта ноёб ва нодир китобларни асраш чора-тадбирларини кўриб, уларни ўз ҳолича сақлаш борасидаги ишларини ибратли дейиш мумкин.

Дарвоқе, кутубхона аҳли ҳар йили 9 феврални катта тараддуд билан кутиб олади. Айни дамда ушбу сана муносабати билан кутубхонада шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар, турли ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Зеро, буюк мутафаккир ижодига нигоҳ ташлаш ҳар бир замондошимизнинг қалб амридир.

Суратда: Тошкент юридик коллежи талабаси Умида Умарова ўқув залида.

Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган сурат

ШЕЪРИЯТ ДАҲОСИГА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг таваллуд кунига бағишланган тадбир бўлди. Унда Ўзбекистон халқ шоирлари Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов сўзга чиқиб, Навоий шеъриятининг барҳаётлиги ҳамда унинг асрлар оша намоён бўлиб бораётган янги қирралари ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди.

Йиғилишда Президентнинг Давлат Маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев иштирок этди.

Сайёра СОИПОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси

* * *

Республика Байналмилал маданият марказида Навоий таваллудининг 559 йиллигига бағишланган Навоийхонлик кечаси бўлиб ўтди. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган турли миллий-маданий марказлар вакиллари иштирок этишди. Қирғиз миллий маданият маркази вакили шоир Курбонбой Ашурбоев Навоий ҳақидаги шеърини ўқиб берди. У Навоий сиймосини таърифлаб шундай деди:

— Навоийни англаш — ўзликни англаш демакдир. Ўзликни англаш эса ҳамиша инсониятнинг мақсади бўлиб келган. Ана шунинг учун ҳам Навоий каби буюк сиймоларга мурожаат қилиш биз учун фойдалидир.

Тадбирда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг "Зиё" мақомчилар дастаси Навоий шеърлари билан айтиладиган қўшиқлардан ижро этиб даврага файз бағишлади.

Нодиржон ЮСУПОВ,
талаба

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти талабаларининг Республика олий ўқув юртлари талабаларига МУРОЖААТНОМАСИ

Ҳурматли тенгдошлар!

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ барчамиз республика раҳбарияти томонидан биз ёшларга кўрсатилаётган доимий ғамхўрликни кундалик ҳаётимизда яққол ҳис қилиб келмоқдамиз. Айни кунда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, ёшларни маънавий етук инсонлар қилиб тарбиялаш ва ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар, "Умид", "Камолот", "Улуғбек", "Устоз", "Соғлом авлод" каби жамғармаларнинг ташкил қилиниши, Президент стипендияларининг таъсис этилганлиги, 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши ана шу ғамхўрликнинг амалий ифодасидир.

Президентимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган ўтли даъватларини қалбга жо этиб, азиз Ватанимизнинг фидойи фарзандлари сифатида амалга оширилаётган буюк ислоҳотларда фаол қатнашишимиз, Ватанимиз тараққиётига таҳдид солаётган ҳар қандай экстремистик, террорчилик ва диний ақидапарастлик кўринишларига қарши курашишимиз бизнинг муқаддас вазифамиз ва бурчимиз бўлиши керак.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти талабалари барча фанлардан фақат юқори баҳоларга ўқиш, баркамоллик мезони бўлмиш соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, билим чўққиларини собитқадамлик билан эгаллаш, буюк боболаримизнинг илмий-маданий меросига содиқ қолиш, эл-юрт манфаати йўлида жонларини ҳам аямайдиган ҳақиқий инсонлар, етук мутахассислар бўлиб етишишга аҳд қилдилар.

Азиз дўстлар!

Шу она Ватан бизники, барчамизники. Юртнинг бугунги ва эртанги куни Сиз билан бизнинг илмий-маънавий салоҳиятимизга боғлиқ экан, унинг гуллаб-яшнаши, равнақи, беғубор осмони учун маҳкам бел боғлаб, илм-маърифат майдонига чиқишга барчангизни чақирамиз!

Мурожаатнома институт жамоатчилик ташкилотларининг умумий йиғилишида қабул қилинган.

Ҳамюртимиз 22 ёшли Фазлиддин Ҳусанов Германиянинг Троссингендаги олий мусиқа билимгоҳида магистратурада таълим олмоқда. Инглиз, немис, француз, араб тилларини мукаммал билувчи Фазлиддинни бугун Европа давлатлари, АҚШ, Бразилиядаги мусиқа шинавандалари ҳам билади.

ЎЗБЕКНИНГ БОЛАСИНИ ДУНЁ БИЛАДИ

Олти нафар қора кўзни тарбиялаб вояга етказган Сайфиддин ака ва Насиба опа Ҳусановалар Фазлиддиннинг мусиқа билан шуғулланиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришганди.

Кўнглида мусиқага меҳр ва ихлос асосидил уйғонганини пайқаган ота Фазлиддинни Тошкентдаги Успенский номидаги махсус мусиқа мактаб-интернатига ўқишга беради. Беғубор кўзлари пирпираб турган бу иқтидорли болакайга моҳир мусиқа муаллими Тамара Попович дарс беради. Орадан йиллар ўтди. Бир куни германиялик мусиқашунос олимлар мактабдаги ўқув жараёни, болаларнинг билим олиши билан қизиқишди. Кейин ўқувчилар концерт қўйишди. Олмон мутахассислари роялда жаҳон бастакорларининг энг сара асарларини қойилмақом тарзда ижро этган Фазлиддиннинг истеъдодига жуда юқори баҳо беришди.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаган ўзбек йигити ҳукуматимизнинг ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлиги туфайли Германиянинг Троссинген шаҳридаги олий мусиқа мактабида таълим олиш бахтига муяссар бўлди. Аввалига фақат мусиқага кўнгил қўйган Фазлиддиннинг хориж тилларини ўрганиши осон кечмади. Бироқ ундаги интилувчанлик, ҳаракатчанлик кутилганидан ҳам аъло натижа берди.

1997 йил. Сентябрь. Америка Қўшма Штатларининг Солт-Лейк-Сити шаҳрида дунё мусиқачилари ўртасида ўтказилган халқаро танловда Фазлиддин Ҳусанов қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Танловда Моцарт, Шопен, Лист, Скрябин каби таниқли бастакорлар асарларини моҳирона ижро қилган ватандошимизнинг иқтидорига ер юзининг турли бурчакларидан келган мусиқашунослар тасаннолар айтишди.

Ушбу танлов якунига кўра, Фазлиддин Европанинг барча мамлакатларида ўз концерт дастурини намойиш этиш имконига эга бўлганди.

Фазлиддин оддий ўзбек хонадонининг оддийгина фарзанди. Отаси нафақада, онаси Насиба опа Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси. Барча тенгқурларига ўхшаб у ҳам спорт билан шуғулланишни, география, тарих фанларини яхши кўради. Магистратурани муваффақиятли тамомлагач, она юрти Ўзбекистонга қайтиб келиб, мусиқашунослик фанидан дарс бериш ниятида. Унинг дилидаги энг эзгу орзуси эса Ўзбекистон шуҳратини янада юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшишдир.

НАЗОКАТ

Истиқлол йилларида мамлакатимизда таълим-тарбияни жаҳон андозаларига мувофиқ ислоҳ қилиш, ёшларни асл тарихий, маданий-маънавий, диний ва дунёвий қадриятлар асосида тарбиялаш давлатимиз таълим сиёсатининг асосий негизини ташкил этади. Президентимизнинг "Тошкент Давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" мақомини бериш тўғрисида"ги Фармонини кенг жамоатчилик томонидан қизғин қарши олиниши фикримизни тасдиқлайди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан "Туркистон-пресс" мухбирининг суҳбати ушбу Фармоннинг ёшлар ҳаётидаги аҳамиятига бағишланди.

БИЗ ПРЕЗИДЕНТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

ЭҲТИРОМ

Нодир Ғаниев. Ўзбек филологияси факультети битирувчиси:

— Мазкур Фармон аввало асримиз бошида ўзбек миллатининг тараққиётига тамал тошини қўйган жадид зиёлиларининг серқирра фаолиятини одилона баҳолаган бўлса, иккинчидан ёшларга Миллий университетнинг тамал тошини қўйишга қодир зиёлилар ҳам юртдошларимиз эканини кўрсатиб берди. Айни пайтда университетимизнинг ўзбек тили ва адабиётига ихтисослашган кафедралари жадидларнинг бизга қолдирган бебаҳо маънавий-маданий меросларидан фойдаланган ҳолда ўзларининг дастурларини яратишяпти. Университетимизга юксак мақом берилиши Президентимизнинг миллат фидойилари жадидларга кўрсатган эҳтиромининг рамзи деб тушундим.

Нилуфар Жабборова. Журналистика факультети талабаси:

— Ушбу Фармоннинг эълон қилиниши университетимизнинг олти мингдан ортиқ талабаси ҳаётида янги саҳифа очди. Негаки ҳар бир талаба шууридан илму-маърифат кучи билан минтақа халқларининг эътирофига сазовор бўлган зиёлиларимизнинг илму-ижод йўлида чеккан машаққатлари ва унинг ширин мевасини истиқлол ёшлари татиётганини, мустақиллик минглаб қурбонлар эвазига қўлга киритилганини ҳамда аждодларга муносиб ворис бўлишимиз кераклигини хаёлидан ўтказди. Бугун давр талабидан келиб чиқадиган бўлсак, тенгдошларимнинг бариси компьютер ва чет тилларини яхши билади. Тарих, иқтисодиёт, ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар фанларини ҳам пухта ўзлаштирганлар.

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
"Туркистон-пресс"

"Туркистон"га жавоб берадилар

"СОХТА ОБРЎ КИМГА КЕРАК?"

"Туркистон"нинг ўтган йилги 18 сентябрь сонида чоп этилган шундай сарлавҳали мақолада "Камолот" жамғармасининг Сурхондарё вилоят бўлими ўзи иқтисодий жиҳатдан ночор бўлишига қарамай, Термизда кураш бўйича ўтказилган халқаро мусобақа ғолибига "Тико" соврини бергани, аммо ярим йилдан буён "Автотеххизмат"га бу автомашина пулини тўлай олмаётгани танқид қилинган эди. Таҳририят мақолани ўрганиб, тегишли чора-тадбирлар кўриш учун 1999 йил 22 сентябрда Сурхондарё вилояти ҳокимлигига юборди. Аммо жавоб бўлавермагач, ҳокимликка яна эслатма жўнатилди. ***Орадан беш ой вақт ўтгач, мақолага вилоят ҳокимлигидан эмас, балки биз танқид қилган "Камолот" жамғармаси вилоят бўлимидан қуйидаги жавобни олдик:***

"Ўзбекистон Республикаси ёшларининг "Камолот" жамғармаси Сурхондарё вилоят бўлим бошқаруви раҳбарияти сизга шуни ёзиб маълум қиладики, "Туркистон" газетасининг 1999 йил 18 сентябрь сонида "Сохта обрў кимга керак?" сарлавҳали мақолангизни 1999 йил 25 октябрдаги *(орадан бир ойдан зиёд вакт ўтгач — изоҳ таҳририятники)* кенгайтирилган раёсат йиғилишида атрофлича ўрганиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Мақолада келтирилган фактлар бўйича тегишли дебитор-кредитор қарзлари кўп бўлган вилоят халқ таълими, "Зарнигор" хусусий фирмаси, матлубот жамияти ва бошқа ташкилотлар билан ишлар қайта ўрганиб чиқилиб, тегишли хатлар билан чиқилди.

Шундан сўнг вилоят "Камолот" жамғармасига пул маблағи тушими бир мунча сезиларли даражада ўзгарди. 1999 йил 28 октябрида 60-сонли тўлов топшириқномасига биноан вилоят "Автотеххизмат" бўлимига 300000 минг сўм маблағ ўтказиб берилди.

Вилоят ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқаруви раҳбарияти қолган суммани ҳам жойлардан тушаётган шанбалик, лотерея ўйини ва бошқа тадбирларнинг маблағлари ҳисобидан ёпиб беришни ўз зиммаларига олади.

Сурхондарё вилоят ёшларининг "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси А.БЎРИЕВ"

Жавобдан маълум бўляптики, "Камолот" ҳамон ўтган йил кўкламдаги қарзини уза олгани йўқ.

Чимилдиқ

"ТУРКИСТОН" газетаси иловаси. 2000 йил 9 февраль № 6 (63)

БУ КУНЛАР ҲАМ ЎТАДИ...

"Чимилдиқ"нинг 26 январь сонидаги "Севишни истамайман" мақоласи мени ўйлантириб қўйди. Ферузнинг ақлли, ҳушли йигитлигига мактубни ўқиб амин бўлдим.

Ферузжон! Бу тириклик дунёсида бировларнинг таъна-дашноми учун яшаманг. Сиз йигит кишисиз. Ҳаёт йўлингиз ҳали олдинда. Шундай экан ўзингизга ҳукм чиқаришдан ўзни тийинг. Менинг бир опажоним бор. Бухоро вилоятининг Қизилтепа туманида яшайди. Бечоранинг олдинма-кетин саккизта фарзанди дунёдан кўз юмди. Бола доғига чидашнинг ўзи бўлмайди. Ниҳоят, Аллоҳ унга умри билан ўғил берди. Уни тарбиялаб, ўстирди. Одамлар эса бундай ақлли йигитни ўстиргани учун аёлни кўкларга кўтариб мақтаяпти. Дард кўрган дардкашни тушунади. Умид қиламанки, отангиз соғайиб кетади. Ҳали бу кунларни кўрмагандай бўлиб кетасиз. Сизни ҳам севадиган, ардоқлайдиган қизлар топилади.

Насриддин БОТИР

ҚАРИНДОШГА КЕЛИН БЎЛМАЙМАН

Ёшим 19 да. ЎзМУда ўқийман. Таътилда уйга боришга юрагим бетламайди. Бордим дегунча амма-ю, холаларим мени келин қилишга тушишади. Нима эмиш, агар мен бегона йигитга турмушга чиқиб, оила қурсам тўй куни жанжал қилишармиш. Тўғриси бундан гоҳида кулгим келади, гоҳида жаҳлим чиқади. Учта опам қариндошларимизга келин бўлди. Катта опам 6 йил фарзанд кўрмади. Бу камлик қилаётгандек мени ҳам шундай изтиробларга солишмоқчи.

Гоҳида тақдирим ўзимда эмас, ўзгалар қўлида эканлигидан хўрлигим келади. Отаонам жанжал бўлишини хоҳламай, мени аммамнинг ўғлига беришмоқчи. Мен уни ёқтирмайман. Йигитга шундай десам у: —Барибир сенга уйланаман. Агар менга турмушга чиқишни хоҳламасанг, қишлоқда сен ҳақингда ёмон гап тарқатаман, дейди.

Ота-онам эса мени билиб туриб ўтга ташламоқчи. М.нинг ҳеч бир ишини тайини йўқ. Нима қилай, "Чимилдиқ"! Менга ёрдам бер. Сендан жавоб кутиб қолувчи

ДИЛДОР,
Қашқадарё вилояти

ТАҚДИРГА ТАН БЕРГАН "МАЪШУҚА"...

Яқин бир дугонам ўзидан бир ёш кичик йигит билан "юрар" эди. Лекин кейинги пайтда у севгилисидан нолийдиган одат чиқарди. Сабабини сўрасам "Унга тегмаслигим ойдай равшан, барибир отам унга бермайди. Биринчидан, мендан ёш, иккинчидан, оиламиз бир-бирига душман, учинчидан, отаси кетиб қолган" деди. "Тавба, аввал шу нарсани ўйлаб кўрмаганмисан" десам, "билмайман, укангнинг ёнини олма" дейди. Ростини айтсам уларнинг севгисига жуда-жуда ҳавас қилардим. Чунки иккаласининг ҳам ички ва ташқи дунёси бир-бирига мос эди.

Чаққон ва эпли дугонамнинг уйига тинмасдан келаётган совчилар кўпайгани сабаб, у тақдирга тан берди. Балки дугонам тўғри қилгандир. Ачинарлиси шундаки, йигит ҳали-ҳамон қизни девоналарча севади.

Мавжуда ЖЎРАЕВА,
ЎзМУ талабаси

ЎРИНДИҚДАГИ "СЕВГИ ИЗҲОРИ"

Троллейбусга чиққанимда орқа томонда тўрт-бешта қизлар бор эди. Улар ўзаро баланд овозда гурунглашиб, кулишиб боришарди. Одамлар бормийўқми уларга барибир эди гўё. Жамоат жойида қизларнинг бу қилиқлари четдан қараган кишига жуда ҳунук кўринар экан. Троллейбус йўловчилар билан лиқ тўлди ҳамки, қизлар кимнидир мазаҳ қилиб, хаҳолашиб кулишни қўймасди. Бир вақт қизлардан бири "Менинг номимни ўчириб ташла" деб қолди. Қарасам, троллейбуснинг орқа ойнаси ёнидаги ўриндиққа ручка билан Л+Ш=С "ЛОВЕ", "Тоҳир+Севара= севишган" ва шунга ўхшаган ёзувларни тушириб қўйишибди. Шундан сўнг қўлида ручка ушлаб турган қиз "Тоҳир" деган ёзувнинг устини яхшилаб бўяб қўйди.

Ҳайрон бўлдим, наҳотки муҳаббатдек беғубор туйғуни дуч келган жойда, жамоат тартибини бузган ҳолда ёзма равишда ифодалаш мумкин бўлса?! Хўп, қиз ўша йигитни севар экан, буни ҳамма ерга ёзиб кетиши шартми?..

Беҳзод ШУКУРОВ

АЙБСИЗ АЙБДОРМАНМИ?..

Икром акам билан институтда ўқиб юрган кезларимиз бирбиримизга кўнгил қўйиб, турмуш қурдик. Торгина ҳовличада қайнота-қайнонам, қайноғам хотини, бола-чақаси билан ва биз яшардик. Уйимиз тор бўлса ҳам кўнглимиз кенг, деб юрардик. Аммо йиллар ўтгач, қайнонам мени унча хушламайдиган, ҳар қадамимдан айб ахтарадиган бўлиб қолди. Балки бунга фарзандсизлигимиз сабабдир, дея узоқ вақт шифокорга қатнаб муолажа олдик. Худо раҳмимизни еб, ўғилчалик ҳам бўлдик. Бироқ, фарзанд кўрганимиздан сўнг ҳам қайнонамнинг мени кўришга кўзи йўқ эди. Борган сари Икром акам уйга жуда кеч қайтадиган, мени жеркийдиган одат чиқарди.

Мана ажрашганимизга уч йил бўляпти. Ўғлим мактабга боряпти. Эрим бирон марта ундан хабар олмади. Балки, барчасига ўзим айбдордирман... Лекин энди севгига ҳам, унинг кучқудратига ҳам мутлақо ишонмай қўйдим.

МОҲИРА,
Тошкент

МЕН ВА У

Равшан СОЛИҲОВ:
ЎН САККИЗ ЁШИМНИ СОҒИНАМАН

— Ҳаётда муҳаббатдан кўра қадрлироқ нима бор?

— Мен аёлга бўлган муҳаббатдан санъатга бўлган муҳаббатни афзал кўраман. Бир пайтлар футболчи бўлганман. "Пахтакор" жамоасига олмоқчи ҳам бўлишган. Бироқ, артистлик кучлилик қилган.

Санъатни деб севган қизларимдан ҳам воз кечганман.

— Наҳотки?

— Шундоқ. Тошкентдаги 76-ўрта мактабда ўқиб юрганимда мактабдошим — оппоқ-қина, кўзлари кўкишроқ қизни ёқтириб қолганман. Бир-биримизга интилганмиз. Дуч келиб қолсак, турган жойимизда шамдек қотиб, қизариб-бўзарардик. Аммо бирор оғиз ҳам гапира олмаганмиз.

Мен сиртдан дали-ғули, шўх кўринганим билан, кўнглим бўш, табиатим нозик. Ҳаётда мўъжизалар кутиб яшайман. Мактабдаги севгилим билан ҳам неча марталаб "ЗАГС"га гул кўтариб борганман. Аммо хаёлимда...

— Кейин-чи...

— Кейин маданий-оқартув техникумида ўқиб юрганимда кутубхонашунослик бўлимида ўқийдиган қиз билан пахта теримида танишиб қолганман. Мен у қизни беғубор ҳиссиётлар билан севардим. Ҳозир ҳам тез-тез эслайман. Ҳар гал эсласам ҳаяжонланаман.

— Нега унга уйланмагансиз?

— У менинг артист бўлишимга қарши эди. Ё мени дейсиз ёки санъатингизни, деган. Мен албатта кўзимда ёш билан бўлса-да, санъатни танладим. У буни кутмаган экан, ўзини ҳатто сувга ҳам отмоқчи бўлган. Унинг назарида артистлар енгилтабиатроқ эди. Шу боисми, мени бошқалардан қизғанибми, ишқилиб санъаткор бўлишимни хоҳламаган.

— Севги ёш танламайди, дейишади.

— Албатта. Мен ҳақиқий муҳаббатни ҳали айтганимдай ёшлик — талабалик давримда учратганман. Ўша даврни қўмсайман.

— Сизга қандай қизлар ёқади?

— Шарттаки, "Хў, йигит..." дейдиган мард қизлар.

Келинойингиз Дилоромхонни ҳам шунинг учун севиб қолганман, ҳозир уни ҳеч кимга ишонмай ардоқлайман. Биз учрашган пайтда у ёш, шўх эди.

— Сирдошингиз борми?

— Сирдош... Йўқ ҳисоби. Иккинчи одам билган сир — сир бўлмай қолади.

— Дардни бировга айтган маъқулми ёки...

— Албатта дўстларга қалбингни тўкиб солиб, айтиб, сал енгиллаганга нима етсин.

— Кимларнинг муҳаббатига ҳавас қиласиз?

— Абдулла Қаҳҳор билан Кибриё опанинг муҳаббатига. Афсуски, уларни ҳаёт пайтида учратмаганман. Аммо опанинг Абдулла ака ҳақидаги эсдаликларини ўқиб, наҳотки севги шунчалар буюк бўлса, дея ҳайратланганман.

— Муҳаббат ҳақидаги севиб ўқийдиган асарингиз?

— Шукур Ҳолмирзаевнинг "Ўн саккизга кирмаган ким бор?"-и. Уни кўп йиллардан буён қайта-қайта ўқисамда, ҳар гал ўн саккиз ёшим ёдимга тушиб, чексиз ҳаяжонланаман.

Буюклар муҳаббати

СЎНМАС СЕВГИ

* * *

Эллигинчи йилларда ўт пуфагимда тош пайдо бўлиб, узоқ вақт касалимни аниқлаёлмасдан Кисловодскка юборишди. Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда изтироб чекдилар. Кисловодскка борганимдан кейин кунора қўнғироқ қиладилар. Хулласи мен қайтиб келгунча иш ҳам унмабди. Ё кунора менга қўнғироқ қилгани шаҳарга тушибдилар, ё бозордан мева-чева олиб, менга мактуб билан юборадилар. Мана ўша кунлари ёзилган мактубларидан бири:

"Ассалому алайкум, жондан азиз ва шакардан лазиз ёри вафодорим Кибриё-чучук! Муборак саломномалари ийди қурбон намози эртаси субҳ, яхши соатда қўлимизга тегди ва Аний онахонимиз икковлон оқ дастурхон устида ҳаққингизга дуо қилишдик.

Камина болохонада ишлаб ва истиқомат қилиб юрибдурман. Бизга ҳам тез-тез меҳмон келиб турибди. Убайдулло, Муҳаммад Расул, Сирожиддин, бастакор Раҳимовлар келди. Тезроқ соғайиб уйга қайтишингизни интизорлик билан кутяпмиз. Ишларим дуруст. Яхшиликда кўришгунча, хайр!

27-V-1961 йил.

Абдулла Қаҳҳор"

* * *

Абдулла Қаҳҳор ўта нозик таъб маданиятли одам эдилар. Мен у кишини бирор маротаба исмимни баланд товуш билан чақирганларини эслай олмайман. Бозор-ўчаргa бориб қолсак, нуқул: "Қанисиз, қанисиз?" - деб орқамдан юрар эдилар. Уйдаги иккита телефоннинг биттаси у кишининг иш столида, бошқаси менинг столимда турар эди. Агар бирор зарурат туғилиб қолса, "Кибриё" деб чақирмасдан, столдаги телефоннинг ғалтагини айлантирар эдилар, "Лаббай!" , деб телефоннинг гўшагини кўтарар эдим.

Нозанинннинг нози бор деганларидай, бир куни нимадан ҳафа бўлганим эсимда йўқ, "Кетаман", дебман. Шунда жилмайиб, "Эй, менга қаранг, ҳусайни узумдай бор ширамизни сўриб, пўчоғимиз қолганда пуфлаб кетар экансизда", дедилар. Кулгим қистаб, дарҳол уйга кириб кетдим. Ўртамизда ана шундай тушунмовчиликлар чиқиб қолса, Абдулла Қаҳҳор "ғазаб оти"га минмай, аксинча, иззат-нафсимга тегмайдиган қилиб, теша тегмаган сўз билан беозоргина танбеҳ берар эдилар.

Улар жуда рашкчи эди. Кўчага ҳамиша бирга чиқар эдик. "Саодат" журналида ишлаган чоғларимда ҳам ўзлари олиб бориб, ўзлари олиб келар эдилар. Ҳатто тикувчиникига ҳам бирга борар эдик. Бир марта у кишини ёлғиз қолдириб, роса адабимни еганман.

* * *

1967 йилнинг кузида Абдулла акамнинг саломатлиги ёмонлашди. Хонаки дори-дармонларни ҳам қилиб кўрдим, барибир натижа бермади. Оёқ оғриғи кундан-кун хуруж қиларди. Касалхонага ётқиздик.

Бир куни мени ўтқизиб қўйинглар деб туриб олдилар. Шифокор эса:

— Абдулла Қаҳҳорович, сиз инфаркт бўлгансиз. Энг камида икки ой қимирламай ётишингиз керак, - деди.

Инфарктдан сўнг, бутун ўй-хаёллари мен бўлдим. Бир куни менга қараб:

— Ўтиниб сўрайман, бундан буён машина ҳайдаманг, икки киши эдик. Энди биттамиз қолдик. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилинг. Агар мен Абдулла Қаҳҳор бўлган бўлсам, сиз туфайли бўлдим. Бошқа аёл бўлганда менинг характеримга бир ҳафтадан ортиқ чидай олмас эди. Сиз бўлмаганингизда мен эҳтимол бундан йигирма йил бурун ўлиб кетган бўлар эдим...

Ўзбек адабиётини Абдулла Қаҳҳорсиз тасаввур қилолмаганимиздек, Адбулла Қаҳҳор ҳаётини Кибриё Қаҳҳоровасиз тасаввур этиш қийин. Баъзилар муҳаббат, вафо, садоқат тўғрисида хўп гапиришади. Лекин бу фазилатлар йиллар ўтиши билан айримларда изсиз йўқолиши мумкин. Ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг яқин сафдоши, умр йўлдоши, моҳир таржимон Кибриё Қаҳҳорованинг "Чорак аср ҳамнафас" хотиралар китобини варақлар экансиз, унда адибнинг қиёфаси, инсоний фазилатлари, меҳр-муҳаббати, севги-садоқати тўла очиб берилган.

УЯТ БУЛМАСИН

ЮРАК СИРЛАРИ

Кейинги йилларда юрак хасталиклари тобора кўпайиб бораётир. Минг афсуски, бугун у кекса кишилардагина эмас, айнан ёшларда ҳам учрамоқда.

Кардиология илмий-тадқиқот маркази директори, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бош кардиологи, медицина фанлари доктори, профессор Равшанбек Давлатович ҚУРБОНОВ билан ана шу аср хасталиги хусусида суҳбатлашдик.

— Марказнинг ташкил этилганига кўп бўлмаган экан. Унинг вазифалари нимадан иборат?

— Ҳозирги кунда оламдан кўз юмаётган кишиларнинг 51 фоизини ва хасталик бўйича ногиронларнинг тўртдан бир қисмини айнан юрак қон-томир касалликларига чалинганлар ташкил этади. Энг ёмон жиҳати, бу хасталиклар тобора ёшариб, у 30-35 ёшли йигит-қизлар ўртасида ҳам айниқса кўп учрамоқда. Жумладан, юрак касалликларининг энг оғир турларидан бири миокард инфаркти ҳам кўпроқ ёшлар хасталигига айланиб бораётир. Гипертония — қон босимининг ошиши, хафақонлик аҳолининг йигирма фоизида учрайди. Ачинарлиси бу беморларнинг бир-икки фоизигина даволанади холос. Қонда холестерин моддасининг кўпайиб кетиши, ортиқча вазн, тамаки чекиш, кам ҳаракатда бўлиш, сурункали спиртли ичимликлар ичиш, асабий-руҳий зўриқиш ҳам юрак қон-томир хасталигини келтирувчи омиллардан саналади. Бизнинг кардиология илмий-тадқиқот марказимиз собиқ 15-шаҳар шифохонаси биносида ташкил этилган. Асосий мақсад — тиббиётнинг кардиология соҳасида эришилган илмий ютуқларини (ташхис қўйиш, замонавий услубда даволаш) амалиётда кенг тадбиқ қилишдан иборатдир. Бу ерда юқори малакали мутахассислар, жумладан, 10 нафар фан докторлари ва профессорлар, 25 нафардан зиёд фан номзодлари беморларни даволашмоқда. Марказ қошида амбулатория шароитида даволайдиган ва касалликнинг олдини олиш бўлими ҳам бор. Бу ерда беморларга, электрокардиография, велоэргометрия, эхокардиография жиҳозлари ёрдамида шунингдек, қоннинг биологик, кимёвий таҳлили чуқур ўрганилиб, шу куниёқ юқори малакали мутахассислар томонидан аниқ ташхис қўйилиб, зарур тавсиялар берилади. Агар беморнинг аҳволи клиник муолажага муҳтож бўлса, у шу ердаги клиникага ётқизилади.

Бундан ташқари марказимизда республикамизда фаолият кўрсатаётган кардиологлар махсус тайёргарликдан ўтиб, малака ошириш имконига эга. Бизнинг марказимиз вилоятлардаги тезкор тиббий ёрдам марказларига кардиологлар тайёрлаб бериш билан ҳам шуғулланади.



Келинимнинг юрак оғриқлигини яқиндагина билиб қолдим. Лекин у буни ҳисобга олмай, фарзанд кўрмоқчи. Икки ўт орасида қолдим. Бир томондан келинимнинг сиҳати мени тинч қўймайди, бошқа тарафдан мен ҳам невара кўрсам, буви бўлсам дейман...

Шоҳида ИНОҒОМОВА,
Қибрай тумани

— Марказда соғлиқни сақлаш муассасаларига қандай тавсиялар ишлаб чиқиляпти?

— Марказ қошида ойига бир марта илмий-амалий семинар ўтказилади. Етук олимлар иштирокида ташкил этиладиган бундай машғулотлар одатда юрак қон-томир касалликларининг долзарб муаммоларига бағишланади. Унда даволанишнинг замонавий усуллари шифокорларга ўргатилади.

Бугунги кунда барча ривожланган давлатларда бўлгани каби тиббиётда, хусусан бизнинг кардиология марказимизда ҳам касалликнинг диагностика мезони ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилади. Илмий ходимлар томонидан шу соҳага оид мақолалар чоп этиш, семинарларда маърузалар уюштириш, махсус тавсиявий қўлланмалар тайёрлаш ҳам бизнинг зиммамиздаги вазифалардан.

— Равшан ака, энди бевосита "Чимилдиқ" муштарийларидан келган саволларга ўтсак. Юрак қон-томири хасталигига чалинган келинчаклар ҳомиладор бўлиши мумкинми?

— Мамлакатимиз аҳолисининг 46-47 фоизи ёшлардан иборат. Йилига туғилишнинг ўсиши икки фоизни ташкил қилади. Давлатимиз қизлар, ёш аёллар ва оналар соғлиғини сақлаш бўйича махсус давлат дастурлари қабул қилмоқда. Аёлларимизга бу қадар катта эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки айнан хотин-қизлар, айниқса қишлоқ аёллари ўртасида камқонлик, буйрак, жигар хасталиклари кўп тарқалган. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар ўртасида юрак нуқсонлари кўп учрайди. Бу кўпинча ревматизм хасталиги оқибатидир. Чунки ревматизм юрак порогини келтириб чиқаради. Бу ёш аёлларнинг ҳомиладорлик жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Юракдаги ўзгаришлар кучайиб, беморнинг аҳволи оғирлашади. Иккинчи томондан, касаллик ҳомилага ҳам салбий таъсир этади. Хаста онадан юрак нуқсонлари билан туғилган гўдак нимжон бўлиб, у узоқ яшамайди.

Шунинг учун турмушга чиқмоқчи бўлган қизлар соғлиғини сақлашга алоҳида аҳамият берилиши зарур. Ревматизмни вужудга келтирувчи омилларнинг олдини олиш: ангина, шамоллаш, тўйиб овқатланмаслик ҳолатларига йўл қўймаслик чораларини кўриш лозим. Ревматизмни ўз вақтида аниқлаб, ёш оналарнинг туғиш жараёнига тайёрлаш врачлар зиммасидаги масъулияли вазифадир. Шунинг учун юрак хасталикларига учраган аёллар ҳомиладор бўлишдан аввал шифокорлар кўригидан ўтиши керак.

— Агарда юрак хасталигига чалинган келинлар ҳомиладор бўлиб қолган бўлса, уларга қандай тавсиялар берасиз?

— Юраги порок бўлган аёл ҳомиладор бўлиб қолса, соғлиқни сақлаш тизимида кўзда тутилган тартибга кўра акушер-гинекологга учраб, махсус терапевт кўригидан ўтиши зарур. Бордию текшириш натижасида чиндан ҳам аёлда ревматизм ёки юрак нуқсонлари аниқланса, касалликнинг турига ҳамда ривожланиш даражасига қараб шифокор аниқ тавсия беради. Ҳомиладорликка нисбий ёки мутлақ монелик борлиги аниқланганда: нисбий монелик бўлса акушерлик марказида даволаниб, аёл туғруқ жараёнига тайёрланади. Мутлақ монелик бўлса, тиббий кўрсатма бўйича ҳомила узилиши керак.

— Юраги хаста келинларнинг қайноналарига қандай маслаҳатлар берардингиз?

— Қайноналардан келинлар ўз вақтида овқатланиши, шамоллашдан сақланишлари, ўта оғир юмушларни бажармасликларини қатъий назорат қилишларини илтимос қилардик.



Ёшим 31 да. Болалик давримда ҳеч соғлиғимдан шикоят қилмагандим. Лекин кейинги пайтда юрагим тез-тез безовта бўляпти. Шифокорлар менда юрак нуқсонлари борлигини аниқлашди. Ўзимдан уялиб кетяпман, баъзан. Наҳот бу навқирон йигитга хос бўлса...

ДОНИЁР, Самарқанд вилояти

— Юрак порокининг ўзи нима?

— У юрак клапанларининг шикастланиши ёки қон ўтказувчи тешикларнинг торайиши натижасида вужудга келади.

— Грипп ёки шунга ўхшаш бошқа бирор хасталик ўз вақтида даволанмаса ҳам юрак касаллиги пайдо бўладими?

— Грипп ёки бошқа юқумли хасталик иситма билан оёқда ўтказиб юборилса, бунинг асорати инсон саломатлиги учун жуда хатарли кечади. Гриппга бепарволик билан қараш айниқса, юракка оғир таъсир этади. Бундай ҳолларда юрак мушагининг ёки юрак пардаларининг яллиғланиши хавфи туғилади. Шу боис ҳам грипп бўлганда врачга албатта учрашиш, ётиб даволаниш, бепарво бўлмаслик керак.

— Юрак касаллиги авлод сурадими?

— Албатта. Агар ота-она, ака-ука бундай касаллик билан, хусусан миокард инфаркти, инсульт, қон босими ортиши касалликларига дучор бўлган бўлса, уларнинг фарзандларида ҳам шу хасталикка мойиллик кузатилади. Агар одамнинг турмуш тарзида юқорида келтирилган омиллар бўлса, юрак қон-томир касаллигига бошқаларга нисбатан мойилроқ бўлади. Шунинг учун улар ҳеч нима безовта қилмаса ҳам врач кўригидан ўтиб туришлари шарт.

— Миокард инфаркти аёлларга нисбатан эркакларда кўпроқ учрашининг сабаби нимада?

— Чекиш, ичиш, кам ҳаракатланиш, овқатланиш меъёрининг бузилиши айнан эркакларга хосдир. Ундан ташқари эркаклар аёлларга нисбатан кўпроқ масъулиятли лавозимларда ишлашади. Иш жараёнида стресс (қаттиқ асабийлашиш) нинг юзага келиши юрак қон-томир касаллигининг асосий сабабларидан саналади.

— Балоғат ёшидаги йигитларнинг ҳам юраги хаста бўлиши мумкин-ку?

— Одатда мунтазам тамаки чекувчи, кам ҳаракат иш билан банд, қанд касаллиги бор йигитлар бу дардга кўпроқ дучор бўлади. Юракнинг соғ бўлиши ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Яъни ҳамма соғлом турмуш тарзига риоя қилиши керак. Энг аввало жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланиш зарур. Қолаверса, кўпинча ёшларимиз овқатланиш маданиятини билмайди. Масалан, йигит-қизлар фақат ёғли ёки гўштли овқатлар истеъмол қилишади. Ёшлар витаминли, мева-сабзавотларга бой таомлар истеъмол этишларини тавсия этардим. Юрак қон-томир касалликлари жиддий хасталиклар сирасига киради. Аммо ваҳима, қўрқувга берилишга ўрин йўқ. Чунки бу хасталик — дарди бедаво эмас. Соғлом турмуш тарзига амал қилинса, касалликнинг олди вақтида олинса, уни даволаш мумкин.

Назокат УСМОНОВА суҳбатлашди

ЛУҚМОН ҲАКИМ ХАЗИНАСИДАН

* * *

Исириқ қовурмаси юрак хасталикларига фойдалидир.

* * *

Юраги хаста кишиларга исириқни туйиб, майда элакдан ўтказиб, кунжут мойи қўшиб ҳар куни уч мисқолдан тановул этиш тавсия қилинади.

* * *

Кимнингки юраги тез-тез урса, оқ хўроз сафроси билан бодом ёғини аралаштириб истеъмол қилсин.

* * *

Агар туйилган сандал истеъмол қилинса, бод, шиш, юрак ўйноғи йўқолади.

* * *

Юрак хасталикларидан қийналган кишига ўлдирилган товуқ тухумини олиб шакар билан бирга қайнатиб истеъмол қилиш фойда беради.

* * *

Агар оғиздан ширин маза келса — қон кўпайган, оғиз ачимсиқ бўлса сафро кўпайган, нордон бўлса — балғам ошган, шўр таъм келса — савдо кўпайганидур.

* * *

Оғизда нордон-аччиқ маза, бош оғриғи, қўл-оёқ шиши, гижжа, кўз тиниши — балғамдандир.

* * *

Анжир еган киши балғамдан халос бўлади.

* * *

Кўкйўталга йўлиққан киши новвот, қизил атиргул гулбарги, бодом мағзи ва кашнични бўтқадай ийлаб, овқатга ишлатсин. Агар нафас нотекис бўлиб, кўкракдан хириллаш эшитилса, қора қўй думбаси ва пиёздан шўрва қилиб уч кун ичиш лозим.

* * *

Кўкйўталга қўй қорачиғини қайнатиб, қуритиб, кейин уни шакар билан бирга истеъмол қилиш фойда беради.

* * *

Киши шамоллаб, қаттиқ йўталса, эрталаблари тоифий майизни бинафша ёғида қовуриб ейиши лозим.

* * *

Сурункали йўталга қайнатилган турп ейиш фойда беради.

* * *

Чўл кийигининг сафросини сувга аралаштириб ичиш йўталга кор қилади. Анжир ейиш ҳам фойдалидир.

* * *

Анжирни сутда қайнатиб ейилса, йўтал йўқолади.

* * *

Йўталдан қийналган одам буғдойни қайнатиб, қайнатмани сутга омухта қилсин ва хуфтондан кейин ичсин.

* * *

Йўтал қийнаган киши думба ёғини сутда қайнатиб уни сирка билан истеъмол этиши лозим.

* * *

Йўтал қийнаган киши яна турпни асал билан еса ҳам бўлади.

СЕПЛИ ҚИЗНИНГ АРМОНИ

Нилуфарнинг тўйи дабдабали бўлди. Нилуфар учун олинган уй жиҳозларию, сарполарни гапирмасаям бўлади. ЗАГС-га тайёрланиш учун ҳам, никоҳга безаниш учун ҳам алоҳида уста безакчилар чақирилди. Улар Нилуфарни маликалардек кийинтириб, ясантириб қўйишди. Хуллас, қизгина нимани орзу қилган бўлса, барчаси муҳайё этилди.

Лекин тўйдан бир ҳафта ўтгач, Нилуфарнинг онаси қон босими ошиб, касалхонага тушди. Таниш-билишлар буни тўй чарчоғига йўйишди.

— Шундай дабдабали тўй ўтказиш осонми, қанча меҳмон кутди ахир, -дейишди улар.

Аслида бу "тўй чарчоғи" эмасди. Она ҳамма нарса қизининг кўнглидагидек бўлишини истаганди. Шу сабаб чет эл жиҳозларини сотиб олишга ҳам, кудаларга, қизига, куёвига аталган дабдабали сарполарга ҳам қарз кўтарганди. Ўша кундан бошлаб, унинг на куни ва на тунида ором бор: қарзлардан қутилиш ҳақида тинимсиз бош қотирарди.

Қизи касалхонага етиб борганида онаизор бехуш ётарди. Врачларнинг тинимсиз ҳаракатлари зое кетмади, бир ойлардан сўнг бемор оёққа турди. Онасини даволатиш учун яна қарз олишади. Шундагина у сепли келин бўламан, деб ота-онасини не кўйларга солганини тушуниб етди. Аммо энди кеч эди. Унга энди на дугоналари, на таниш-билишлари ёрдам бера олмасди. Устига устак ўзи ҳам бошқа бир хонадоннинг келини эди, ота-онасига ёрдам бера олмасди. Қиз дадасининг эрта оқарган сочларига термулиб, хўрсинишдан ўзга чора тополмасди.

Бу ўйлаб топилган уйдирма эмас, балки кузнинг сулув кунларида бўлиб ўтган воқеа.

Кейинги пайтларда тўйдаги ҳашамлар мавзуи матбуотда тез-тез ёритиляпти. Давраларда ортиқча исрофгарчиликлар борасида баҳсу мунозаралар бўляпти, аммо ўзгариш сезиляптими?!

Яқинда бир танишим ота-онаси кейинги пайтда тез-тез жанжаллашаётганидан хафа бўлди.

— Онам тўйларга бориб келса, уйимизда жанжал бошланади. Улар менинг қандай узатилишим, қилинажак харажатлар ва сарполар масаласида сира бир тўхтамга келиша олмайди, -деди у куюниб.

Эндигина ўн саккиз баҳорни қаршилаган, айни ўқиб ўрганадиган, ўз ҳаёт йўлини белгилайдиган ёшдаги бу қизгина ўз тўйининг ташвишида юрибди.

— Аслида менга кўп нарса керак эмас. Оллоҳим бахт берса бўлди. Фақат онам қайнонанг, қайинсингилларинг олдида кам бўлмаслигинг керак, дейдилар. Қачонгача одамлар бахтини сарпо-суруқлар, жиҳозлар билан ўлчайди! -дея зорланди у.

Бошқа давраларда эса гоҳ у қуданинг, гоҳида бунисининг "зиқна"лиги ғийбат қилинади. Ҳали тўй ўчоғи совимай ё куёв, ё келин тараф таъна-дашномлар остида қолади, сабаби яна ўша сарполар ва анжомлар... Бу дашномлар газак олиб, бир-икки йил турмуш қилмай ажралишлар кўпаяди.

Тўғри, кейинги пайтда тўйларни тартибли ўтказиш борасида маҳаллаларда, хотин-қизлар қўмиталарида хайрли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Фақат уларни ёшларнинг ўзлари қўллаб-қувватлаши керак.

— Агар маҳалла қўмитасидаги мутасаддилар ҳаражатларни бир тартибга солиб, бунга амал этмаганларга мана шу ҳаражатларга бир неча баробар ҳажмда жарима белгиласа, балки тўйларимиз сал меъёрга тушармиди, - дейди онахонлардан бири.

Балки онахон ҳақдир. Эҳтимол азиз газетхон, сизнинг ҳам бу мавзуда ўз фикр-мулоҳазангиз бордир.

Ҳамро Бону МУСУРМОНОВА

ЧИМИЛДИҚДАН ТАП ОЧИЛСА...

Қишлоғимизда Розия деган аёл ўтган. У жуда шўх-шаддот, турли ҳангомаларга ўч, қайси уйда никоҳ тўйи бўлса тонггача қолиб, чимилдиқдаги келин-куёвни дераза тирқичидан пойларкан. Ҳатто кексайганида ҳам шу одатини тарк этмабди. Иттифоқо бир куни ён қўшниси келин туширган. Розия момонинг ғалати одатини хушламаган қизнинг янгаси шу куни дераза дарпардаларини жипслаб беркитибди. Момо қарасаки, ҳеч қаерда нинача ҳам тирқиш йўқ. Шунда уйидан бир нечта бўш тоғораю челакларни олиб чиқиб, чимилдиқли уй деразаси ёнига устма-уст тахлабди. Энг юқорисига чиқиб, эндигина дераза ойнасидан мўралаётган экан... оёғи тойиб, боши айланибдию пастга "гуп" этиб қулабди. Унинг жон аччиғидаги чинқириғидан бутун тўйхона оёққа турган экан ўшанда.

Чимилдиқ — қизу йигитнинг тақдир ипларини маҳкам боғлагувчи муқаддас жой. У кўнгиллар яқинлашувига, умрбод бирга яшамоқ қасамларига гувоҳ. Эркак ва аёл неча ёшда бўлмасин, чимилдиқда кечган лаҳзаларини асло унутолмайди.

ХОТИНИДАН "ҚЎРҚМАЙДИГАН" ЙИГИТ

Келин-куёв чимилдиққа кираётганда "оёқ босиш" одати бор. Агар қайси бири жуфтининг оёғини биринчи бўлиб босса, оилада ўшанинг қўли баланд, сўзи ўткир бўлади, дейишади. Айтишларича, Ҳадича янга узатилаётиб дугоналарига "Мана кўрасизлар, чимилдиқда оёғимни бостирмайман!" деган экан. Хуллас, чимилдиққа кираркирмас келинчак куёвнинг оёғини маҳкам босиб олибди. Буни кўрган қизалоқлару болакайлар "Янгамиз биринчи бўлди! Поччамизнинг оёғини босди!" дея қичқиришган. Шу гап зумда тўйхонага ёйилибди.

Тўйдан сўнг куёвнинг жўралари маслаҳатлашибди: "Жўрамиз қандай яшаяптийкин? Уни бир синаб кўрмаймизми?" Эртасига улар дўстининг уйига боришибди. Зиёфат қуюқ бўлибди. Қарашса, Ҳадича келин уларнинг хизматига шай, ҳали чой қуйган, ҳали овқат пиширган ... Демак ҳаммаси жойида!

— Ўтган куни Қораарикдан бир дунё балиқ тутиб келганман, -деб мақтанибди куёв. — Тузлаб, музлаткичга босиб қўйдик.

— Эҳа, таги мўл бўлса, хотинингга айт, яна уч-тўртта қовуриб келсин, -дея ҳазиллашибди жўралардан бири.

— Хўп, -дея чиқиб кетибди куёв ва зум ўтмай ранги ўчиброқ қайтиб келибди.

— Узр, жўралар, мен... Ҳадичадан қўрқмайману, лекин кўнгли сал нозикроқ-да. Гап бундоқ, хотинимни ичкарига чақириб гапга солиб турай. Сизлар музлаткичдан икки-учта балиқ олиб, қозондаги ёққа қизартириб чиқинглар. Сўнг ўтиришни давом эттирамиз.

Жўралар бир-бири билан маъноли кўз уриштириб олишибди: "Демак, эскиларнинг ўша гапи рост экан-да! Яхшиям чимилдиқда оёғимизни бостириб қўймаган эканмиз!"

ТАҚДИРГА ҚЎЙИЛГАН "ТУЗОҚ"

Қишлоғимиздаги Нор чўпоннинг икки ўғли, бир қизи бор эди. Қизини мактабни битириши билан узатиб юборишди. Лекин, ўғиллар... Каттаси оғзига келганини сўзлайдиган, ақли ҳам ноқисроқ эди. Кичиги аксинча: тегирмонга тушса бутун чиқадиган, чақмоқдай йигит. "Ўйлансанг, уйга фойданг тегарди" — деди унга отаси бир куни.

— Э, акам турганда мен уйланаманми? -кўнмади ўғил.

Ота катта ўғлини ўйлаб боши қотди. "Балки тўнғичимни уйласам бинойидай яшаб кетар. Лекин, ким ҳам унга қизини берарди?!" Шунда қариндош-уруғлар кенгашиб, бир тадбир ўйлашди...

Узоқ бир қишлоқда Нормурод подачининг қизи бор. Сутга чайилгандай оқ, ақли зукко, соч деган нақ товонга тушади. Тўғри, ота-онаси сал камкўрим, харобгина уйда туришади.. Аммо, қизи ўткиргина, манави овсар йигитга кўнармикан?!

Қизга йигит маъқул келди. Йигитнинг ҳам юраги "жиз" этди. Кўп ўтмай тўй бўлди. Чимилдиқда қиз қарасаки, куёв мутлақо нотаниш йигит! Кўзларига ишонмади. Кечагина ўзи танишган, ширин суҳбат қурган ўша хушсурат йигит қаердайкин?!

Ҳамма томоша шундан сўнг бошланди, Қиз билан учрашган йигит аслида унинг қайниси бўлиб чиқди. Чимилдиққа киргунча бу ҳақиқатни унга ҳеч ким айтмаганидан қиз ўкинди. Бу пайтда "қайинука"нинг дилида алам, у акаси уйланган қизни анча илгарироқ яхши кўриб қолганди. Икки-уч ҳафта ўтиб, келинчак қайниси билан қочиб кетди!

Чимилдиқ — қутлуғ жой. Унга ҳалоллик, поклик туйғулари билан қадам қўйилади. Ёлғону ғирромлик аралашган никоҳ эса фожеа билан тугаши мумкин.

ЯНГА КЎРМАГАН ҚИЗ

Раҳимахон қишлоқдаги дугоналари билан суҳбатлашиб ўтирганида, даврада тўй ҳангомаларидан гап кетди. Шунда у беихтиёр "Мен чимилдиққа қирмаганман!" деб юборди. Нима учун, дея ажабланишди дугоналари. -"Еки сиз ҳалигидака..." Буни сезган Раҳимахон қизариб кетди.

Раҳимахоннинг келинойиси суҳбатга қўшилиб, изоҳ берди:

— Қайнисинглим онадан етим қолиб, шаҳардаги холасиникида яшаган. Қўшни "дом"даги йигит билан ўқишга бориб-келиб юриб, бир-бирини ёқтиришди. Ҳамманинг розилиги билан тўй ўтди. Биз қишлоқликлар бир автобус бўлиб никоҳга бордик. Тўй охирлаб, уйга қайтаётсак, холам "Сен қол, янга бўласан" деди. Куёвникига қайтиб бордим. Эшикни қуда хола очди. Келин-куёвнинг ётоғига кириб ҳайрон қолдим, чимилдик йўқ. Қайинсинглимга тикилдим. У елка қисди. Шунда қуда хола "Синглим, энди дам олақолайлик, келин-куйёв ухлашсин" деди. "Янгалик қиласан деб жўнатишувди" дедим қизариб-бўзариб. Қуда хола кулиб юборди: ҳозирги ёшларга янганинг кераги йўқ", — деди. Тезгина кийиндиму холамникига қайтиб кетдим.

* * *

Чимилдиқ чиллали келин-куёвнинг бегона кўзлар, суқ назарлар, қора кучлар таъкибидан тўсиб турувчи парда эмиш! Агар шу рост бўлса, ёруғ дунёда ўз иффати, бемисол малоҳати, беғубор туйғулари, соф қалби билан чимилдиққа қадам қўймоқ ҳар қизу йигитга насиб этсин.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

КЎНГИЛНИ КЕНГ ҚИЛИНГ

Эр-хотин ўртасидан ола мушук ўтди. "Сенинг асабларинг чатоқ", деди эр, хотин эса: "Сизнинг жаҳлингиз тез, бўлар-бўлмасга шовқин кўтараверасиз", деди. Хўш, кимнинг асаби қандай? Қуйидаги тест саволларига "Жуда ҳам жаҳлим чиқади", дея жавоб берсангиз 3 балл, "Сал-пал ғашимга тегади", десангиз 1 балл, "Парвойимга келмайди" деб жавоб берсангиз 0 балл белгилайсиз.

Демак, қуйидаги ҳолатларда ўзингизни қандай тутасиз?

1. Ўқимоқчи бўлган газетангизни кимдир ғижимлаб ташлади.

2. Қизлардек кийиниб олган ёши ўтинқираган аёлни кўриб қолдингиз.

3. Метрода тиқилинчда суҳбатдошингизнинг бурни бурнингизга теккудай бўлиб кетяпти.

4. Кимдир — нотаниш одам сизга қараб аксирди.

5. Аёл киши кўчада бўриқситиб чекиб ўтаётибди.

6. Ёнингизда кимдир тирноғини чайнаяпти.

7. Биров тинимсиз қаттиқ овозда хахолаб куляпти.

8. Кимдир сизга нимадир қилишни ўзи билмаса ҳам ўргата бошлади.

9. Севикли йигитингиз(қизингиз) учрашувга ҳар доим кечикиб келади.

10. Театрда кимдир ғимирлаб ўтириб, тинимсиз гап сотяпти.

11. Ўзингиз ўқимоқчи бўлган асарингиз мазмунини кимдир сизга ҳикоя қила бошлади.

12. Сизга умуман кераксиз буюмни совға қилишди.

13. Атирнинг ҳиди жуда бадбўй экан.

14. Гапираётган одам ҳадеб қўлини қимирлата бошлади.

15. Ҳамкасбингиз хорижий сўзларни тез-тез такрорлайди.

НАТИЖАЛАР

30 дан кўп балл тўпладингиз. Арзимаган нарсалардан ҳам жаҳлингиз чиқади. Сиркангиз сув кўтармайди. Юракни кенгроқ қилинг. Акс ҳолда асабингиз тезда ишдан чиқади. Сизнинг ҳолатингиз атрофдагиларга малол келади.

17 дан 30 баллгача. Сизга ўхшаганлар кўп. Уларни энг кўнгилсиз нарсалардангина жаҳли чиқади. Пашшадан фил ясаманг.

0 дан 16 баллгача. Жаҳлингизни чиқариш осон эмас. Аммо сизнинг ҳам нозик хислатларингиз бор. Бефарқлик ҳам яхши фазилат эмас.

Қадрли онажонимиз **МАРҒУБА** *опа!*

Сизни таваллуд 40 ешингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, омад ва бахт тилаймиз. Бизнинг бахтимизга ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Фарзандларингиз номидан БАҲОДИР

Азиз дугонам **НАРГИЗА!**

Мен сизни 19 баҳорингиз билан чин қалбимдан табриклайман. Ҳамиша дўстларингиз ва оила аъзоларингиз бахтига соғ бўлинг. Бошингиз узра порлаб турган қуёш сизга бахтнинг заррин нурларини сочиб турсин.

Барча дўстларингиз ва яқинларингиз номидан

САДОҚАТ

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНИНГ ИЛОВАСИ

ИЛОВА ИЖОДКОРЛАРИ: ЛАЙЛО, НАЗОКАТ, ЗИЁДА, ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

ҲАЗРАТНИ ҚАНДОҚ ТУШУНАМИЗ?

Алишер Навоий ҳар бир асарини эл-улусим ўқисин деб ёзган. Шунинг учун ҳам шоир "Сабъайи сайёр" достонининг охирги бобида бевосита китобхонларга мурожаат қилиб, "ўқур элга насойиҳи санойи ўқумоқ"қа машғул бўлади ҳам. Шунда ул ҳазрат ниманинг ғамини чекканлар, биласизми? Асарлари мазмунининг халққа етиб бориш-бормаслигининг! Чунки "Муҳокамат ул-луғатайн"да: "Ва турк элида ажлоф (ўқимаган, омий, нодон) ва содда эл сортдин (форсизабонлардан) зиёдадур", -деб ёзган бобомизнинг хаёлларидан асарларининг ўз қавмлари орасида қандай ўқилишию қай тариқа талқин этилиши кечмай иложи йўқ эди. Ана шу ўй-хаёлларга берилиб, ижодлари тақдирини чамалаб ўтирганларида ҳужраларига гўё Иқбол, яъни Бахт кулиб келади-да, у кишининг кўнгилларини кўтариб, жумладан шуни ҳам таъкидлайдики, қуёш нурини ҳеч ким тўсиб қололмайди ёки бирон кимса Ойни мис товоқ дея олмайди, гарчи дунё одамлари ичида ҳийлагарлари мўл ёхуд яхшиси кам-у, ёмони кўп бўлса ҳам, кундузни кеча дегувчилар, яъни яхши асарни ёмон дегувчилар саноқлигина топилади. Кейин Иқбол энг муҳим гапни айтди:

Чун хавос олдида гиромийдур,
Не деса ғам йўқ, улки омийдур.

Демак, хос одамлар — тушунганлар олдида Навоий асарлари азизу мўътабар экан, бас, омий — тушунмаган кишилар нима деса, деяверсин! Чунки кесак билан тоғ дучлашса, кесакнинг чанги чиқиб кетади, агар хас келиб ўтга урилса, ўзи ёниб, ўтни янада кучайтириб юборади.

Навоий ҳазрат-ку XV асрдаги саводсиз, омий кишиларнинг бу асарларини ўқимаслиги, ўқиса ҳам, тўғри баҳолай олмаслиги ғамини чекканлар. Лекин, яшириб нима қилдик, ҳозир "ёппасига саводли" бўлган биз — ўзбекларнинг ҳаттоки зиёлилар, борингки, қалам аҳлидан ҳам кўпимиз Навоийни ўқимаймиз. Сезиб турибман: "Ўқиёлмаймиз!" - денг, демоқчи бўляпсиз. Йўқ: тилнинг мураккаблиги, эскилиги, тушунмаслигимиз баҳона эмас! Ҳазратнинг ўзлари ўқиб, тўлиқ тушунгангагина эмас, ҳаттоки, ўқиб, юздан бирини англаганга ҳам дуогўйлик қиладилар:

Ҳар кишиким, ўқурда бу нома,
Табъиға гарм бўлса ҳангома.

Неки мен қилмишам - назар этса,
Юзидин гар бирига етса.

Табъи гар соф-у, зеҳни пок ўлғай,
Шак эрмастурки, завқнок ўлғай.

Анда, шоядки, айлабон тақсин,
Анга қилғай дуони доғи қарин.

Ёраб, андоқ кишига раҳмат қил!
Охир оромгоҳи жаннат қил!

Демак, бобокалонимиз: асарларимнинг юздан бир маъносини тушунган одам ҳам завқ-шавққа тўлиб, мени дуо қилади, ўша одамни ҳам, Тангрим, раҳмат қилиб, жойини жаннатдан ато эт, дейдилар.

Бу-ку, юздан бирини тушунганлар экан. Лекин мазкур асарни ўқиса-ю, ҳеч нарса англамаса, унинг аҳволи не кечади? Бобомиз уни кечирармиканлар?

Навоийдек бағри кенг инсон бўлганми ўзи денг? Ҳазрат асарларини ўқиб, ундан ҳеч қандай баҳра олмайдиган, ферузани кўриб, уни эшакмунчоқ дейдиган кишиларнинг ҳам гуноҳида аллакай ўтиб, уларни ҳам дуо билан ёд айлаганлар-у, инсофга чақирганлар:

Топмаган табъи поку хотира соф, —
Ки анинг даъби бўлмағай инсоф.

Қатрача дурдун олмаса баҳра,
Деса, фируза кўрса хармуҳра.

Анга ойини даъбу инсоф эт!
Кўнглини поку хотирин соф эт!

Энди яна бир тоифа китобхонлар борки, улар шоир асарларини ўқиган билан сўзлару нуқталар маънисини яхши англамасалар ҳам, Навоийга билибми-билмайми, яхшими ё асоссизми таҳсин айтаверадилар. Бобомиз бундайлардан ҳам меҳрларини дариғ тутмай, уларни ҳам кечирганлар:

Улки таҳсин этар, вале билмай
Ўқуғон нукта даркини қилмай.

Сўзи гар яхши, гар газоф дурур,
Ҳар неким ул деса, маоф дурур.

Ўқуғувчилардан-ку, ҳар қалай, ул даҳонинг хотирлари жамъ бўлган экан. У кишини қийнаган нарса — асарларининг келажак авлодга қандай ҳолда етиб бориши эди. Шунинг учун бесавод хаттотларга айтадиган алоҳида сўзлари бор. Араб ёзувида "кўз" билан "кўр"нинг, "ғайб" билан "айб"нинг фарқи биргина нуқтада. Шунинг учун "кўз"ни "кўр" қилиб қўйган хаттотнинг кўрлиги, "ғайб"ни "айб" қилиб юборган хаттотнинг айби айтилади: бундайларнинг хомаси, яъни перосига кўзи сиёҳ бўлсин (демак, у хомасини кўзига суқуб олсин!), тили хома каби ўртасидан икки бўлак қилиб кесилсин, юзи хатдек қора бўлсин!

"Сабъайи сайёр"нинг охирги байтларида Навоий яна ўқувчилари ғамини чекиб, Худодан тилайдиларки:

Деганимни улуса марғуб эт!
Ёзганимни кўнгулга маҳбуб эт!

Тилга лафзини ногузир айла!
Жонга назмини дилпазир айла!

Бу — кам! Ҳазрат достоннинг халққа зеби торак, яъни эл бошидаги тож зебу зийнати, ўқиганларга эса муборак бўлишини тилайдилар:

Халққа зебу торак айла они!
Ўқуғанга муборак айла они!

Улуғ бобомиз бу асаримни фақат ўз элим ўқисин, демаганлар, достонга етти фалакнинг ошно, яъни ёр-у, етти иқлим, яъни қитъа элининг харидор бўлишини истаганлар:

Етти афлокни анга ёр эт!
Етти иқлим элин харидор эт!

Кўриниб турибдики, Навоийнинг руҳлари ҳар биримизнинг у киши ёзиб қолдирган бебаҳо китобларни ўқишимизга ҳамиша мунтазир. Лекин, очиғи, ул ҳазрат бизга эмас, аксинча, биз у муҳтарам зотга муҳтожмиз! Дейилмоқчики, Навоийни ўқийлик, кўнглимиз ёришади, руҳларимиз қалбимизда шу вақтгача ҳеч туймаганимиз — ажиб бир пок сурур жилвалана бошлаганини ҳис қиламиз...

Алишер Навоий маънавий-маданий ҳаётимизда шу қадар катта мавқеъ тутадики, ҳар куни радио ё оинаи жаҳон орқалими, тўй-томоша ё бошқа маданий анжумандами, ишқилиб, бобокалон шоиримизнинг бир шеърини эшитасиз ё қўшиқ бўлган ғазалининг оҳангигаю маромига ром бўласиз. Сезилар-сезилмас бу мисралар қатида абад ул-абад яшаяжак руҳ сизга юқади. Шоир асарларини бевосита ўзингиз ўқиганда оладиганингиз маънавий-руҳий кучни бошқа ҳеч қайси йўл билан топа билмайсиз.

Тўғри, вақт деймиз, тирикчилик дегандай. Ахир, яшаш осон эмас. Хусусан ҳозир. Навоий ҳазратлари буюрадилар — юз йил яшайман деган одамга аввал юз йиллик сабр керак:

Юз йил киши умр тилар, бил, —
Ким сабр керакдур анга юз йил.

Начора! Бироқ ўз тилимизда Навоий асарлари каби гўзал бадиий дурдоналар бўлса-ю, шамс ул-миллат шоиримизнинг ўз ўқувчилари ҳақига қилган дуолари, Оллоҳдан сўраган илтижоларидан бебаҳра қолишдан ҳам ёмони йўқ-да.

Келинг, яхшиси, "Сабъайи-сайёр"ни тўлиқ ўқишга ҳозирча вақт тополмаётган бўлсангиз, ақалли, ҳафтанинг ҳар бир кунида ана шу достондаги ҳафта кунлари таърифида келган икки-уч байтли парчаларни бир ўқиб қўйинг. Бизни дуожўйликда айбламанг-у, ишонинг: ўша куни руҳингиз тамом енгил тортиб, ишингиз ўнгидан келаверади. Чунки шуниси аниқ: одам боласининг Навоийни ўқиган куни ёмонликка қўл уриши сира мумкин эмас. Шунда, лоақал, кунимиздан кунимизнинг фарқи борлигини эсга туширамиз, бугун нимадир қилган-қилмаганимизнинг сарҳисобини оламиз, энг муҳими, қайтарилмас умримизнинг бутун бошли бир куни бекор ўтмаганига шукур қиламиз. Ахир, бугун, ҳеч бўлмаса, Навоий бобомиздан икки-уч байт ўқидик-ку!..

СултонмуроД ОЛИМ

"АЛИШЕР НАВОИЙ" БОШҚОТИРМАСИ

Ушбу бошқотирмада берилган саволларга тўғри жавоб топиб ёзиб чиқсангиз, қалин чизиқлар орасида буюк мутафаккир шоир, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг доно ҳикматларидан бирини ўқийсиз.

1. Навоийнинг Астрабодда эгаллаган лавозими. **2.** Навоийнинг буюк инсоний фазилатларини ифода этиб берган таниқли актёр. **3.** Шоир ғазали билан ижро этиладиган машҳур мумтоз қўшиқ. **4.** "Садди Искандарий" да яратилган олим образи. **5.** Тошкентнинг шоир номи билан аталган кўчасида жойлашган мадраса. **6.** Шоирнинг форс тилидаги шеърларига қўллаган тахаллуси. **7.** Шеърлар тўплами. **8.** Навоий асарларига сурат чизган мусаввир. **9.** "Алишер Навоий" фильмини яратган кинорежиссёр. **10.** Фарҳод, Ширин ва Шопур образлари сиймосида мужассамлашган инсоний сифат. **11.** Навоий Хиротда қурдирган мадраса. **12.** "Хамса" қаҳрамонларидан бири. **13.** Шоирга бағишлаб ёзилган асарлар муаллифи. **14.** Буюк мутафаккир таваллуд топган жой. **15.** Алишер Навоий образини кинода ўйнаган халқ артисти. **16.** "Сабъайи сайёр" достонидаги ҳикоялардан бирининг қаҳрамони. **17.** "Ҳайрат-ул аброр"да фош этилган иллатлардан бири. **18.** Шоирнинг укаси Дарвеш Али бошқарган жой номи. **19.** А.Навоий номидаги опера ва балет театрида 1938 йилда саҳналаштирилган опера. **20.** Шоирнинг замондоши, машҳур тарихчи. **21.** Алишер Навоийнинг "Ажам подшолари тарихи" ни яратишига асос бўлган асар. **22.** Шоирнинг Ҳусайн Бойқаро ва амалдорларга ёзган номаси. **23.** Навоий асарларини қайта кўчирган машҳур хаттот. **24.** Еш Алишер 1456 йил ўқишни давом эттириш учун борган шаҳар. **25.** Биринчи ўзбек операси "Бўрон"га либретто ёзган адиб. **26.** Навоийнинг замондоши, шоир. **27.** "Лисон-ут-тайр"да танқид қилинган иллатлардан бири. **28.** "Хайрат -ул аброр" достонидаги ҳикоя. **29.** Фарҳод бошчилигида қазилган "Нажот..." ҳовузи. **30.** Навоий номалари асосида пайдо бўлган асар. **31.** "Хамса"даги халқ афсоналари асосида яратилган достон қаҳрамони. **32.** Алишер Навоий истеъдодига юқори баҳо берган ўзбек мутафаккир шоири. **33.** Шоир асарларида мадҳ этилган мавзу. **34.** Навоийдан таълим олган қорақалпоқ адиби. **35.** "Фарҳод ва Ширин" достонидаги ижобий образ. **36.** Алишер Навоийнинг буюк асарлари. **37.** "Искандар девори"да эсга олинган машҳур олим. **38.** Шоир ҳомийлигида камол топган рассом. **39.** Алишер Навоий асари. **40.** Ўзбек мусаввири, "Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг ёшлиги" асари муаллифи. **41.** А.Навоий номли театр биноси лойиҳасини яратган меъмор. **42.** Балҳлик шоир.



Тузувчи: Шавкат ҲИДОЯТОВ

ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 5 февраль сонида эълон қилинган бошқотирма жавоблари

Энига: 1. Акита. 4. Анапа. 7. Симпозиум. 13. Ариза. 14.Камон. 15. Рак. 16. Уни. 17. Оксид. 19. Скотт. 20. Новгарзон. 23. Чашка. 24. Уммат.

Бўйига: 2. Каноп. 3. Топаз. 5. Ричардсон. 6. "Туркистон". 8. Оха. 9. Таноб. 10. Минск. 11. Уммон. 12. "Унита". 18. Дра. 21. Грамм. 22. Рикша.

Олимпия ўйинларига янги йўлланмалар

Малайзияда ўқ отиш бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етди. Унда 32 мамлакат спортчилари Сиднейда ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритиш учун курашди.

Кескин рақобатда ўтган курашларда ғолиб бўлган ўзбекистонлик икки спортчи қиз Юлия Шахова билан Алёна Аксёнова Сидней Олимпиадасига йўлланма эгаси бўлди. Энди Олимпия ўйинларида ўқ отиш бўйича мусобақаларда юртимизнинг уч спортчиси қатнашади. Дилшод Мухторов қизлардан олдин, ўтган йили йўлланма соҳиби бўлган эди.

Қизиқарли мусобақа

Нукусда 2000 йил Олимпия ўйинларига бағишлаб Қорақалпоғистон Республикаси шахматчиларининг мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Оролбўйи ҳудудининг энг кучли ўн уч шахматчиси қатнашди. Ғоят қизиқарли ўтган учрашувда 12 имкониятдан ўн очко тўплаган Г.Пак ғолиб чикди. Б.Жалменов, Т.Жумамуротов иккинчи ва учинчи ўринга сазовор бўлди.

(ЎзА)

"Арсенал" ўз мухлисларини севаркан

Англияликлар яшил майдонда нафақат чарм тўп усталари, балки футбол ишқибозларининг "саъй-ҳаракат"лари билан ҳам ном қозонмоқда. Францияда УЕФА кубоги учун кечган баҳсларда "Арсенал" футбол клуби ишқибозлари ўз жамоаларининг ғалабаси шарафига Нант аэропортида тартиббузарликка йўл қўйиш билан нишонлашди.

Хурсанд кайфиятдаги мухлислар дўкон пештахталарини чилпарчин қилиши оқибатида, бир неча минг доллар миқдорида зарар келтирилди. Мазкур воқеа юз берган жойнинг ўзидаёқ клуб раҳбарияти келтирилган зарарни тўлашни ўз зиммаларига олишни ваъда қилганди. Шундан сўнг полициячилар безориликда айбланган ишқибозларни озод қилди.

Жабр кўрган дўкондорлар Буюк Британия клубига мурожаат қилавериб, ниҳоят бир ярим ойдан кейингина интизорлик билан зарарни қоплаш учун кутаётган товонни қўлга киритиш масаласини ижобий ҳал қилишди. Хуллас, "Арсенал" ўз мухлисларининг ҳимоячисига айланди.

"Туркистон-пресс"

"Туркистон" харитасида

ЎзА

ВАШИНГТОН. АҚШ Президенти Билл Клинтон Шимолий Ирландияда барқарорлик ўрнатилиши тарафдори эканини айтди ва ушбу жараёнга алоқадор томонларни аввал имзоланган тинчлик битимларини бажаришга чақирди. Мазкур баёнотга Буюк Британия ҳукумати мамлакат парламентига Ольстер устидан бевосита ҳукмронлик қилиш ҳуқуқини берувчи қонун лойиҳасини тақдим этгани сабаб бўлди. Бундан буёғига вазият қандай тус олиши номаълум ва Билл Клинтон бу ҳақда бирор фикр айтишни маъқул кўрмади.

Аммо вазият қалтисроқ бўлиб турибди. Буюк Британиянинг Шимолий Ирландия масалалари бўйича масъул вазири Питер Мэндельсоннинг айтишича, агар етти кун ичида Ирландия республикачилар армияси (ИРА) аскарлари қуролларини топширмаса, парламентга ҳавола этилган қонунга кўра, Ольстернинг қонун чиқарувчи органи, маҳаллий ҳукумати ва бошқа қўмиталар фаолияти тўхтатилади. Парламент қонун лойиҳасини қабул қилса, Ольстер можороси янада авж олиши ва тинчлик битимларига путур етиши мумкин, демоқда айрим кузатувчилар.

* * *

НАЙРОБИ. Ўтган ҳафта Конго Демократик Республикасида қўпорувчилик, жангарилик ва сотқинликда айбланган 19 нафар ҳарбий отилди. Кузатувчилар бу ҳол мамлакат армиясида тартиб-интизом ниҳоятда сусайганидан далолат беради, демоқда. Бир ярим йилдан бери қўзғолончиларга қарши курашаётган армияда ички ҳарбий интизом анча пасайгани январь ойи охиридаги воқеадан сўнг ошкор сезилиб қолди. Конго дарёси ёқасида 12 нафар зобит қўл остидаги 360 нафар аскар билан бирга партизанларга қарши курашишдан бош тортганди. Зобитлар отувга ҳукм этилди, аскарлар эса 20 йиллик қамоқ жазосига тортилди.



* * *

РИМ. Италияда Эрон металлургия вазири Исҳоқ Жаҳонгирий меҳмон бўлди. У ташқи ишлар вазири Ламберто Дини билан бўлган музокараларда Эрон иқтисодий ривожланишнинг янги беш йиллик режасида Италия билан ҳамкорликни янада кенгайтиришни кўзда тутаётганини маълум қилди.

Шунингдек, Римда икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича тузилган қўшма комиссиянинг тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Маълумотларга кўра, Италиянинг Эронга чиқарадиган маҳсулоти асосан машинасозлик ускуналаридан иборатдир ва у экспортнинг 71 фоизини ташкил қилади. Ўз навбатида Эрондан келтириладиган импортнинг 81 фоизи нефтдан иборат.

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон божхоначилари гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи гуруҳни қўлга олди. Непалнинг 13 нафар фуқароси турли йўналишлар бўйича учаётган самолётларда жами 10 килограмм героин билан ушланди. Жиноятчилар героинни 8-10 граммлик капсулаларга жойлаштирган ва ютиб олган экан.

* * *

БУДАПЕШТ. Венгрияда Самош ва Тиса дарёлари атрофидаги ўттиздан зиёд аҳоли пункти кимёвий жиҳатдан хавфли ҳудуд, деб эълон қилинди. Ҳукумат бу дарёларда балиқ овлашни таъқиқлаб қўйди. Ушбу ҳудудларда экология хизмати, сув тозалигини сақлаш ва фуқароларни ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан назорат кучайтирилган.

Самош дарёсига цианид моддасини чиқариб ташлангани ана шундай экологик муаммони келтириб чиқарди. Зарарланган сув Тиса дарёсига ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, энди бу дарёларда балиқчилик қилиб бўлмайди. Дарёларни аввалги ҳолига келтириш учун 10 йил вақт керак, демоқда улар.

* * *

СИДНЕЙ. Таиланд шимолида икки нафар австралиялик сайёҳ жиноятчиларнинг қуролли ҳужумига учради. Сиднейдан олинган хабарларга қараганда, жиноятчилар тўрт киши бўлган. Тажовуз натижасида сайёҳлардан бири ҳалок бўлган, бири оғир жароҳатланган. Таиланд полицияси қидирув ишларини бошлади.

* * *

МОСКВА. "Бутун Россия" бирлашмаси етакчиси Евгений Примаков март ойида бўладиган Президент сайловида қатнашмаслигини расман эълон қилди. У журналистларга интервьюсида бу ҳусусда узоқ ўйлаганини айтди ва Россия жамияти том маънодаги фуқаролик қиёфасини йўқотгани, мамлакатда ҳақиқий демократия қарор топмагани учун шундай қарорга келганини айтди.

Е.Примаков ўзининг қарорини бундай изоҳлади: ўтган йилнинг декабрь ойида Президент сайловида номзоди кўрсатилишига розилик берганидан кейин, Е.Примаковга уни қўллаб-қувватловчи кўплаб мактуб ва шошилинчномалар келган. Бу унинг қатъиятини ошириши керак эди. Лекин Давлат думасига сайлов чоғида ва парламентда ишлаш давомида у шундай хулосага келдики, ҳозирги вазиятни яқин бир неча ой ичида ўзгартириш мушкул.

* * *

СТОКГОЛМ. Бу ерда қурол-яроғ савдоси соҳасида коррупция муаммолари бўйича халқаро семинар бошланди. Тадбир иштирокчиларининг асосий эътибори Европада қурол-яроғ савдоси масалаларини мувофиқлаштириш механизмини ишлаб чиқишга қаратилган.

Швециянинг ташқи савдо ва Болтиқ минтақаси масалалари бўйича вазири Лейф Пагротски қурол-яроғ савдосидан улкан даромад олиниши ва айни пайтда бу соҳанинг анча маҳфийлаштирилгани коррупцияни авж олдирмоқда, деди. Унинг фикрича, бу соҳада ҳам тижоратнинг бошқа жабҳалари сингари очиқлик устувор бўлиши керак.

Эътиборли томони шундаки, семинар ёпиқ эшиклар ортида ўтказилмоқда. Л.Погротски унинг очиқ кечишини сўраганини, лекин анжуман ташаббускори бўлган "Трансперенси интернешнл" ташкилоти вакиллари буни рад қилганини айтди. Агар анжуман очиқ кечади, десак, унга бирорта иштирокчи келмайди, дебди ташкилотчилар.

* * *

ВАШИНГТОН. Нефт экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти (ОПЕК) март ойидаёқ хомашё қазиб олиш миқдорини кўпайтиришга қарор қилиши мумкин. Жаҳон банки мутахассислари шундай башорат қилмоқда. Гап шундаки, бир баррел нефтнинг нархи 30 АҚШ долларига яқинлашиб қолган ҳозирги шароитда ОПЕК аъзолари хомашё қазиб олиш миқдорини илгаригидек чеклаб туришни асло истамайди. Бунинг устига, мазкур ташкилотга аъзо бўлмаган экспортчилар ҳам борки, улар нефт қазиб олишни кўпайтириб, бозордаги ўрнини анча кенгайтириб олиши мумкин. Бундай мамлакатлардан бири Норвегиядир.

Ҳолливудча найранг

Америкалик Билл Кейсинг "30 миллиардлик найранг" номли китобида жуда кўплаб ҳужжатларга асосан, фазовий муаммолар билан шуғулланувчи НАСА ташкилотининг астронавтларнинг ойга қўнгани ҳақидаги хабари уйдирма бўлганлигини ёзган. Унинг фикрича, бу аср "томоша"сини космик агентлик катта миқдорда маблағ ундириб олиш мақсадида яратган.

Ойга учиш ва астронавтларнинг ўзга сайёранинг тупроғини гўё ерга олиб тушиши воқеалари Меркурий шаҳридан 32 чақирим узоқдаги Невада саҳросида суратга олинган. Фильмни суратга олиш "Аполло"нинг учирилишидан бир неча ой муқаддам тугалланган. Аслида кема фазога астронавтларсиз учирилган ва у бир неча дақиқа парвоз қилгач, Антарктиданинг қор билан қопланган кимсасиз жойига қулаб тушган.

Астронавтлар гўёки ерга олиб тушган Ой жисмлари аслида кислород воситасида вужудга келадиган минераллардан иборат бўлган. Ойда эса маълумки, кислород йўқ. Аслида астронавтлар кийган скафандрлар ҳам Ой сатҳида юз берадиган ҳароратнинг тез-тез ўзгариб туришига чидаши қийин. Улар бундай кийимда Ойга қўнган заҳотиёқ ҳалок бўлишлари турган гап эди.

Ва ниҳоят астронавтлар Ойга, қўнгач, нега ерга оддий лазер воситасида бўлса ҳам сигнал бермаган?

Китобда ёзилишича, америкаликлар дунёга жар солган ойга қўниш воқеаси Холливуднинг навбатдаги мўъжизалар ҳақидаги киносидан ўзга нарса эмас.

Ўрис болалар тумори

Россиянинг Екатеринбург вилоятидаги мактабларнинг биринчи - бешинчи синф ўқувчилари меҳнат дарсларида шамоллаш хасталикларининг олдини олиш мақсадида бўйинга тақиладиган тумор ва билакузуклар тайёрлашмоқда. Улар ўз қўллари билан ясаган буюмлар билан мактабда юришга мажбур. Акс ҳолда.... оғир, юқумли касалликка дучор бўлишлари мумкин.

Бундай "заргарлик" буюмлар асосан саримсоқ ва пиёздан ясалади. Рус болалари ўзларини гриппдан шундай ҳимоя қиляптилар.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир Гулнора ХОЛБЕКОВА

Таҳририят:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Қабулхона — 136-59-38
Хатлар бўлими —133-79-69

Манзилимиз:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй

Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. — 100.
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3
Босишга топшириш вақти-21.00

1 2 3 4 5 6
Топширилди-20.30